

ТОНГ ШАМОЛИН ОВОЗИ

Category: Goşgular, Kitapcy

написано kitapcy | 22 января, 2025

ТОНГ ШАМОЛИН ОВОЗИ

■ Нури Байрам (1933-1993)

Нури Байрам (Nury Baýramow) 1933 йили Туркменистоннинг Марв вилоятида туғилган. Шоир, ёзувчи ва таржимон. Туркменистон давлат университетининг филология факультетини тамомлаган (1957). Филология фанлари номзоди. Пушкин ва Лермонтов асарларини туркманчага таржима қилган.

* * *

- Нури Байрам, нима сўзлайсан?
- Одамларнинг юрагини.
- Нури Байрам, нима излайсан?
- Одамликнинг дарагини.

■ ТОНГ ШАМОЛИН ОВОЗИ

Менинг бурчим: ҳувиллаб,
Ғунчаларни гул этмоқ.
Сенинг бурчинг: шу гулни
Олқаб, шодумон этмоқ.

Бурчим: нав-ниҳолларни
Силаб-сийпаб узатмоқ.
Сенинг эса: боғларнинг
Тинчлигини кузатмоқ.

Бурчим менинг: ҳар саҳар
Ернинг ҳолин сўрамоқ.
Сенинг бурчинг: Ватаннинг
Юзини пок асрамоқ.

* * *

Ўғлимдан сўрайман:
– Қандай туш кўрасан?
У дейди: – Тушимда
От чопиб юраман.

Қизимдан сўрайман:
– Нима туш кўрасан?
У дейди: – Тушимда
Гул териб юраман.

Каминанинг эса
Доимий туши:
Отамнинг урушга
От суриб бориши...

* * *

– Нури Байрам, қайлардан келмоқдасан?
– Одамларнинг орасидан.
– Нури Байрам, кимлардан безовтасан?
– Одамларнинг оласидан...

Турсун Иброҳимов таржимаси.

■ ҲАМАЛ ЧАҚМОҚЛАРИ

Тинглайман мен бутун шуурим билан
Ҳамал елларининг майин куйлашин.
Осмонларга осиб ташлайди бу дам
Баҳор булутларни – увада лошин.

Кўкламнинг ҳидидан туюб куч-қувват –
Боғимда ишлайман, ғуссадан йироқ.
Ишларкан, эшитиб қоламан бир пайт –
Бўғиқ гумбурлар илк момақалдироқ.

Ногаҳон булутлар мисли элакдан
Қуйгандек қуяди нурдек шаффоф сув.
«Ёғавер, ёғавер, ёмғир, ёмғиржон!» –
Бирдан бола-бақра кўтарар қий-чув.

Уфқда камалак товланар чунон,
Ердан қўзиқорин бодрайди бирам.
«Ёғавер, ёғавер, ёмғир, ёмғиржон!» –
Гўдакка айлангум – мен қари одам.

Эй баҳор, ёмғиринг қуйгин, қуявер.
Оқ буғлар таратиб роҳатлансин ер.
Ҳеч нарса, ҳеч нарса ўзгармабди, эҳ,
Бари болалигим пайтидагидек.
Ёмғир, эй ёмғиржон, тўхтама бир дам,
Келдинг сен нақ менинг
болалигимдан!

* * *

Яна энтиктирар боғларни жавзо,
Яна эрий бошлар юксак тоғда қор
Ва жўшқин сувлардан
Кўпириб дарё,
Ўзанлар дафъатан келиб қолар тор.

Уни жиловлаб кўр – гар эплай билсанг,
Бирдан оролчага ташланиб қолди.
Учрагани учун
Йўлида харсанг,
У аламин жажжи оролдан олди.

Эй дарё, ошиқма,
Ўйлагин бир зум,
Жаҳлдан ақлингни йўқотиб қўйма,
Яратган эдинг-ку уни сен ўзинг,
Теграсидан, ахир, оқардинг ўйнаб.

Ўзинг келтиргандинг унга қум-тупроқ
Ва ўзинг ўстирдинг чечаклар рангин.
Бунча ҳовлиқасан,
Бир зум тинглаб боқ, –
Қушлар сайрар унда, эшитяпсанми?

Туркманчадан Мирпўлат Мирзо таржимаси.

Goşgular